



Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2015 йил 24 апрель, № 81 (6264)

Жума

Сайтмига ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ИСЛОМ КАРИМОВ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ЭТИБ САЙЛАНГАНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҚУТЛОВЛАР

Мамлакатимизда 2015 йил 29 март куни бўлиб ўтган сайловда Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайлангани муносабати билан хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар ва етакчи компаниялар раҳбарлари, хорижий мамлакатларнинг таниқли жамоат арбоблари номидан самимий тилаклар билдирилган қутловлар келиши давом этмоқда.

Жумладан:

Финляндия Республикаси Президенти — **Саули Нийнистё**

Руминия Президенти — **Клаус Вернер Йоханнис**

Малайзия Бош вазири — **Датук Сери Моҳд Ножиб Тун Абдул Раззак**

Буюк Британия ташқи ишлар вазири — **Филип Хэммонд**

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Бош котиби — **Ламберто Заньер**

Бельгия парламенти сенатори, “Бельгия — Ўзбекистон” парламентларо ҳамкорлик гуруҳи раиси — **Ален Дестекс**

“Максам” компанияси раиси ва ижрочи директори — **Хосе Фернандо Санчес-Хунко**

“Шиндонг Ресорсиз” компанияси президенти — **Ким Ёнг Гу**

“Сожиц Корпорейшн” президенти ва бош ижрочи директори — **Йожи Сато**

“Тойота Цусё” корпорацияси раиси — **Жунзо Шимизу**

“Мици ва Ко.” президенти ва бош ижрочи директори — **Татсуо Ясунага**

табрик йўллаган.

Қутловлар келиши давом этмоқда.

СИФАТ, СУРЪАТ ВА ЯНГИЛАНИШ



ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН

Фаллаорол туманидаги “Nargiza-teks” масъулияти чекланган жамияти — шулардан бири. Ўтган йил охирида фойдаланишга топширилиб, жорий йил бошдан ишлаб чиқариш жараёнига киришган мазкур хўжалик субъекти иқтисодий ночор ҳолатга тушиб қолган собиқ автокорхона ўрнида ташкил этилди. Бунинг учун тадбиркорлар савъ-ҳаракати билан 2,5 миллиард сўмлик банк кредити ҳамда таъсисчиларнинг 1,5 миллиард сўмлик маблағи жалб қилинди. Сармолярнинг асосий қисми эса илғор технологиялар харидига йўналтирилди.

Албатта, юқори сифат ва нарх-наво мақбулиги — рақобатбардошликнинг бош мезони. Зеро, дунёда молиявий-иқтисодий инқироз ҳали-ҳамон давом этаётган, кўпгина давлатларда иқтисодий ўсиш суръатлари пасайиб, маҳсулотлар оғирлашди қалашиб ётган бир вазиятда ички ва ташқи бозордан мустаҳкам жой эгаллаш ишлаб чиқарувчилар олдига янгидан-янги вазифаларни қўяётгани ҳеч кимга сир эмас.

(Давоми 2-бетда).

Иқтисодий ночор ва паст рентабелли корхоналарни молиявий соғломлаштириш — саноатни изчил ҳамда босқичма-босқич ривожлантиришнинг муҳим омилларидан биридир. Шу боис кейинги йилларда мамлакатимизда мазкур йўналишда кўплаб истиқболли лойиҳалар рўёбга чиқарилаётир. Пировардида жойларда йирик саноат тузилмалари фаолияти қайта тикланиб, улар негизда импорт ўрнини босувчи ва экспортбop товарлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилмоқда. Буни биргина тўқимачилик маҳсулотлари тайёрлашга ихтисослаштирилган корхоналар ҳамда улар эришаётган ютуқлар мисолида ҳам кўриш мумкин.



ЖАСОРАТ, БУРЧ, МАТОНАТ

Президентимизнинг жорий йил 19 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси фуқаролари — 1941 — 1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини “Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 70 йиллиги” эсдалик юбилей медали билан мукофотлаш тўғрисида”ги ҳамда 2015 йил 6 мартдаги “1941 — 1945 йиллардаги уруш қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида”ги фармонларига кўра, Орлобўйи минтақасида ҳам қатор тантанали тадбирлар ўтказилмоқда.

Осуда ҳаёт қадри

Хусусан, куни кеча Нукус шаҳрилик Даулетбай Баймуратов, Нурулла Абдуллаев ҳамда чимбойлик Таубай Ембергенов ва Даулетяр Баймуратов хонадонлари байрамона руҳга чулганди. Бу ерга келган давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари нурунийларга “Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 70 йиллиги” эсдалик юбилей медали ҳамда пул мукофотларини тантанали равишда топширдилар. Шунингдек, кекса авлод вакиллари хомийлар томонидан тайёрланган қимматбаҳо совғаларни ҳам қабул қилиб олишди.

— Давлатимиз раҳбарининг бундай юксак ғамжўрлигиндан беҳад миннатдоримиз, — дейди Нурулла ота Абдуллаев. — Тинчлик, озоишталлик қадрини ҳеч нарса билан қийслаб бўлмайди. Иккинчи жаҳон уруши халқимизга бемисл қулфатлар келтирди. Унинг ўта оғир асоратлари ҳеч бир оилани четлаб ўтмади. Уша машўм кулларни хотирлар эканман, истиқлолимизга, бугунги осуда ва фаровон ҳаётимизга шукроналар айтаман.

Ҳидоят АҲМЕДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ФЕСТИВАЛЬ

Пойтахтимизда кўп овозли халқ чолғулари ансамбли ва оркестрларининг “Наврўз садолари” халқаро мусиқа кўрик-фестивали бошланди.

Истеъдод, маҳорат ва муваффақият

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими вазириликлари, “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия жамғармаси, Ўзбекистон давлат консерваторияси, Бастакорлар, “Тасвирий ойна” ижодий уюшмалари, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, “Сўғдиёна” халқ чолғулари камер оркестри ҳамда Швейцариянинг ҳамкорлик бюроси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур фестивал Кексаларни эъзозлаш йилига бағишланди.

Унда мактабгача таълим муассасалари, мусиқа ва санъат мактаблари, мазкур йўналишга ихтисослаштирилган лицей ва коллежлар, олий мусиқа ўқув юртидаги, шунингдек, Марказий Осие давлатларидан келган оркестр ҳамда ансамбллар, профессионал жамоалар қатнашмоқда. Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири У. Иноятов, “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия жамғармаси бошқаруви раиси С. Иномова ва бошқалар мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида ёш авлодга замонавий таълим-тарбия бериш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятларимизга садоқат руҳида камол топтириш, маънан бой, дунёқараши ва тафаккурини юксалтиришда кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилаётганини таъкидладилар.


(Давоми 2-бетда).

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

Ўтган йили мамлакатимизда

500

дан ортиқ янги базавий мобиль алоқа станциялари ўрнатилди.



Бу алоқанинг замонавий, юқори технологияларга асосланган тизими орқали кўрсатилаётган хизматлар ҳажмини ошириш, сифатини янада яхшилаш, фойдаланувчилар учун қўшимча қулайликлар яратиш имконини бергани билан аҳамиятлидир.

(Давоми 2-бетда).

АНЖУМАН

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Адлия вазирлиги, “Минтақавий мулоқот” халқаро ноҳукумат ташкилотининг мамлакатимиздаги филиали томонидан “Қонунийликни таъминлашнинг замонавий шакллари, услублари ва механизмлари: Ўзбекистон тажрибаси ва халқаро амалиёт” мавзусида икки кунлик семинар ташкил этилди.

Қонун устуворлигини таъминлаш — бош мезон

Унда етакчи амалиётчи юристлар, олимлар, жамоатчилик вакиллари, журналистлар, шунингдек, хорижий экспертлар қатнашди.

Тадбирда қонун устуворлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, жиноятчиликнинг олдини олишда замонавий воситаларни жорий қилишга оид миллий ҳамда хорижий тажриба кўриб чиқилди,

ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва уларнинг ўзаро ҳамкорлиги, аҳолининг ҳуқуқий тафаккури ҳамда маданиятини юксалтиришда оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти институтларининг иштироки масалалари ўрганилди.

(Давоми 2-бетда).

Қисқа

сатрларда

● Хоразмда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят ҳудудий бўлими томонидан “Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ривожланишининг микдор ва сифат ўзгаришлари: Хоразм вилояти мисолида” мавзусида конференция ўтказилди.

● Андижон вилоятининг Балихчи ва Олтинқул туманларида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, касб-хунар коллежларини тамомлаётган қизлар бандлигини таъминлашга бағишланган йиғилишлар бўлиб ўтди.

● “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши ташаббуси билан уюштирилган “Менинг бизнес гоям” танловининг Тошкент шаҳар босқичи якунланди. Танловнинг туман босқичларида 10 мингдан ортиқ йигит-қиз қизиқарли бизнес лойиҳалари билан қатнашди.

● Бухорода болалар оромгоҳларини ёзги дам олиш мавсумига тайёрлаш масалаларига бағишланган тадбир ўтказилди. Жорий йил ёзги дам олиш мавсумида 17 та шаҳардан ташқари, 101 умумтаълим мактаблари қошида ташкил этиладиган оромгоҳлар ўқувчилар ихтиёрида бўлади. Ушбу масканларда 17 мингдан ортиқ болажонларни ёзги таътилда мароқли дам олдириш режалаштирилган.

● Тошкент вилояти қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгашида болалар кўшиқлари, шёрлари ва куйларини яратиш бўйича республика ижодий танловининг ҳудудий босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими ташкил этилди.

«Халқ сўзи» мухбирлари хобарлари асосида тайёрланди.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Фуқароларнинг муносиб меҳнат шaroитларига бўлган ҳуқуқлари кафолатларини таъминлашда мамлакат касба уюшмалари ўзига хос ўрин тутди. Ҳозирда 14 та тармокдан ортиқ аъзои 6 миллиондан ортиқ аъзои 14 та тармок касба уюшмаларига бирлаштирган Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси томонидан фаолиятнинг мазкур устувор йўналишида тизимли ишлар олиб боришмоқда. Шунингдек, Халқаро меҳнат ташкилотининг муносиб меҳнат концепцияси амалга

— Юртингизда халқаро меҳнат стандартларини жорий этиш йўналишида амалга оширилаётган кенг кўламли ишларнинг гувоҳи бўлдик, — дейди Халқаро касба уюшмалари Конференцияси Бош котибининг биринчи ўринбосари Яап Винен. — Ходимларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, меҳнат муҳофазасини таъминлаш, саломатлиги ҳақида қайғуриш — буларнинг барчаси бизнинг умумий максдаларимиздир. Ўзбекистонда аҳолининг ижтимоий ҳимояси бўйича

томонлама ижтимоий мулоқот мавжудлигини таъкидладим. Шу аснода эътироф этиш жоизки, ҳамкорлар ўртасида ижтимоий ҳимояни ташкиллаштириш, ижтимоий таъминотни ва кулай меҳнат шaroитларини яратиш каби масалалар бўйича қоидалар аниқ белгиланган. Барча томонлар жамоавий музокараларнинг аҳамиятини, уларсиз иқтисодий тараққиётни тасаввур қилиб бўлмаганини яхши тушунишди. Яқинда мен Тошкентдаги заводлардан бирида бўлдим ва у ерда касба уюшма кўми-

Фуқаролар меҳнат ҳуқуқларини муҳофаза қилишнинг муҳим омили

оширилиши бўйича амалий натижаларга эришляпти. Айни чоғда Ўзбекистон Ҳуқумати, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва Савдо-саноат палатаси ўртасида 2014 — 2016 йиллар учун имзоланган ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид Бош келишув орқали юртимизда 90 та тармок, 14 та ҳудудий келишув, бевосита корхона, ташкилот ва муассасаларда эса 100 мингдан ортиқ жамоа шартномалари амал қилмоқда. Барча жамоа-шартномавий ҳужжатларда муносиб меҳнатнинг расмий бандликка кўмаклашиши, муносиб иш ҳақи тўлаш, меҳнат муҳофазаси ҳамда хавфсизлиги, ходимларнинг ҳуқуқий, ижтимоий ҳимояси, хотин-қизлар ва ёшлар учун имтиёзлар, Халқаро меҳнат ташкилоти конвенцияларига риоя этиш каби таркибий қисмлари аниқ белгилаб берилган. Тармок ва ҳудудий келишувлар, жамоа шартномаларида бандликни таъминлашга кўмаклашиш, ходимлар учун муносиб меҳнат шaroитлари яратиш, уларга қўшимча имтиёзлар бериш, даромадларини ошириш борасида алоҳида имконият ва кафолатлар ўрнатилган. Шунингдек, мамлакатимизда давлат, касба уюшмалари ва иш берувчилар ўртасида йўлга қўйилган конструктив ижтимоий мулоқот натижасида ходимларнинг муносиб меҳнат шaroитларига бўлган ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш имкониятлари кенгайиб, меҳнат соҳасида жамоатчилик назорати амалга оширилмоқда. Анжуманда халқаро ташкилотлар ва хорижий касба уюшма марказлари вакиллари, халқаро экспертлар фуқароларнинг муносиб меҳнат шaroитларига бўлган ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш бўйича Ўзбекистон тажрибасини юқори баҳоладилар.

кенг кўламли тадбирлар амалга оширилаётгани кувонардидир. Халқаро конференциядаги иштирокимиз доирасида руртингиздаги бир қатор корхона ва ташкилотларнинг касба уюшма кўмиталари фаолияти билан танишдик. Хусусан, Чирчик шаҳридаги “Максам-Чирчик” кўшма корхонасида ходимларга яратилган муносиб меҳнат шaroитлари, мазкур жараёнга касба уюшмаси ва иш берувчининг ўта масъулият билан ёндашишини юксак баҳолаш мумкин. Мазкур корхонада яратилган меҳнат шaroитлари муносиб меҳнат элементларига тўла мосдир. Бу — корхонада касба уюшма кўмитаси ва иш берувчи ўртасида йўлга қўйилган самарали ижтимоий шерикликнинг натижасидир. Шу билан бирга, жамоа шартномаси орқали ходимларнинг ижтимоий ҳимояси юксак даражада амалга оширилмоқда ва халқаро стандартларга тўлиқ жавоб беради. Бевосита конференция ҳақида айтмоқчиманки, у юқори савияда ўтди. Кўпгина долзарб масалалар ошқорча муҳокама этилди. Бу эса Ўзбекистоннинг жаҳонга очиклиги ва халқаро мулоқот фаол олиб борилаётганлигига ёрқин мисолдир. — Ўзбекистон ҳуқумати, касба уюшмалари ва иш берувчилар ўртасида йўлга қўйилган ижтимоий мулоқот ижтимоий соҳадаги барча масалаларни ижобий ҳамда самарали ҳал этиш имконини бераётгани эътирофга лойик, — дейди Халқаро меҳнат ташкилоти эксперти Вольфганг Люттербах. — “Уч томонлама ижтимоий мулоқотни ривожлантириш бўйича Халқаро меҳнат ташкилотининг тавсиялари” мавзусидаги маърузамда мен бугунги кунда Ўзбекистонда касба уюшмалари, давлат ва иш берувчилар ўртасида уч

таси ҳамда иш берувчи ўртасида имзоланган жамоа шартномасининг ходимлар таниша оладиган стендага олиб қўйилганини кўрдим. Бу нафақат шафдофлик, балки жуда ижобий тажриба, деб ҳисоблайман. Чунки ҳар бир ходим ўзининг меҳнат ва дам олиш ҳуқуқларини билиб олиши учун шaroит яратилган. Конференция ўз ишини “Меҳнат соҳасидаги асос солувчи ҳуқуқларни амалга ошириш мақсадида миллий қонунчиликни такомиллаштириш ва халқаро меҳнат стандартларини илгари суриш”, “Кулай ва хавфсиз меҳнат шaroитларини таъминлаш ва ижтимоий ҳимояни кенгайтириш”, “Муносиб бандлик ва даромадлар олиш имкониятларини кенгайтириш”, “Муносиб меҳнат шaroитларига бўлган ҳуқуқлар кафолатларини таъминлаш соҳасида жамоатчилик назорати ва ижтимоий шериклик” мавзуларида секцияларга бўлинган ҳолда давом эттирди. Муҳокама жараёнида иштирокчилар мамлакатимизда фуқароларнинг муносиб меҳнат шaroитларига бўлган ҳуқуқларини таъминлаш бўйича тўлланган тажрибани, касба уюшмаларининг бу борадаги фаолияти самарадорлигини юқори баҳоладилар. Анжуман якунида фуқароларнинг муносиб меҳнат шaroитларига бўлган ҳуқуқларининг таъминланиши бўйича Ўзбекистон тажрибаси, касба уюшмалари ва ҳамкор ташкилотларнинг бу борадаги ишларини янада такомиллаштиришга оид масалалар юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди. **Зиёда АШУРОВА, «Халқ сўзи» мухбири.**

Маданий ва тарихий меросни асраб-авайлаш бурчимиздир

Маданий ва тарихий меросни асраш, ўрганиш ҳамда келажак авлодга етказиш баркамол шахсни тарбиялашда, унинг маънавиятини юксалтириш ва пировардида жамиятнинг барқарор ривожланишини таъминлашда катта аҳамиятга эга. Бу борада халқаро ҳамкорликни кенгайтириш, БМТнинг Умумжаҳон маданий ва табиий меросини муҳофаза қилиш тўғрисидаги конвенцияси каби ҳуқуқий ҳужжатларни амалиётга изчил татбиқ этиш ҳаётий заруратдир.

ПАРЛАМЕНТ ҲАЁТИ

В. Савицкий номидида Қорақалпоғистон давлат санъат музейида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Таъминот масалалари кўмитаси томонидан ўтказилган мажлисда мазкур масалалар атрофида муҳокама қилинди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2015 йилга ва келгуси йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастурини рўйбга чиқариш доирасида ташкил этилган кўмита мажлисида парламент палаталари аъзолари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар, ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари,

шунингдек маданий, тарихий ҳамда табиий меросни асраш соҳасида фаолият олиб борувчи олимлар, мутахассислар ва экспертлар қатнашди.

Мажлисида Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида нияҳюда бой ҳамда ранг-баранг археологик мерос объектлари жойлашганлиги қайд этилди. Айнан шу сабабли Қорақалпоғистон сўнгги пайларда санъатшунослар, археолог олимлар, тадқиқотчилар ва сайёҳлар эътиборини тобора кенг жалб қилмоқда. Бу замин ўзининг ноёб маданий, бой тарихий мероси, шунингдек, табиий манзараси, қадимий ва ўрта аср ёдгорликлари билан донг таратган “археологик қўриқхона” ҳисоблана-

ди. Масалан, Эллиққалъа туманида жойлашган Тупроққалъа кўргани ЮНЕСКОнинг Жаҳон маданияти ёдгорликлари рўйхатига киритилган бўлса, Хоразм Олтин ҳалқаси кўргонлари мазкур нуфузли ташкилотнинг Бутунжаҳон меросининг дастлабки рўйхатидан жой олган.

Қайд этилганидек, мамлакатимизда мустақиллик йилларида маданий ва табиий мерос муҳофазасини таъминлаш, уни ўрганиш ҳамда оммалаштириш, бу соҳада халқаро ҳамкорликни ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Хусусан, маданият ва табиат ёдгорликларини муҳофаза қилиш борасида халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларига мувофиқ бўлган мустақам ҳуқуқий асос ҳамда институционал тизим яратилган. Жамоатчиликни маданият ва табиат ёдгорликларини муҳофаза қилиш, сақлаш ҳамда консервациялаш масалалари юзасидан хабардор этишга, фуқароларнинг маданий меросни муҳофаза қилиш соҳасида ҳуқуқий-маданий савиясини оширишга қаратилган тадбирлар мунтазам ўтказилаётир. Мажлисида Ўзбекистоннинг мада-

ний, тарихий ва табиий меросини муҳофаза этиш соҳасидаги ютуқлар таъкидланиб, давлат тузилмалари ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг Конвенция қоидаларини, тегишли миллий қонунчилик талабларини бажаришга доир сайёҳаракатлари самарали мувофиқлаштирилиши зарурлиги таъкидланди. Халқаро ва ички туризмни ривожлантириш, янги сайёҳлик йўналишларини ишлаб чиқиш, шу жумладан, экологик ва маданий-этнографик туризм соҳасини янада тараққий топтириш мақсадга мувофиқлиги кўрсатиб ўтилди.

Муҳокама якунларига кўра, маданий, тарихий ва табиий меросни муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятнинг норматив-ҳуқуқий, институционал асосларини янада такомиллаштиришга, қонун ҳужжатларини амалда рўйбга чиқариш механизмини яхшилашга, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ушбу соҳадаги фаолиятини қучайтиришга қаратилган тегишли қарор қабул қилинди.

Ҳидоят АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бу эса ёшларнинг санъатга бўлган қизиқишини янада ошириш, уларни ҳар жабҳада қўллаб-қувватлаш, истеъдодини рўйбга чиқаришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ху-

ри, ёшларимизнинг миллий ҳамда жаҳон мусиқа санъатининг нодир намуналарини пухта ўзлаштиришларини таъминлапти. Кўрик-фестивал халқ чолғулари оркестрлари ва кўп овозли ансамбллар ижрочилиги йўлида изланаёт-

Истеъдод, маҳорат ва муваффақият

сусан, давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 8 июлда “Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009 — 2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида”ги қароридан сўнг юртимизнинг барча ҳудудида мусиқа ва санъатга ихтисослаштирилган мухташам таълим муассасалари бунёд этилди.

Болалар мусиқа ва санъат мактаблари энг сўнгги ўқув жиҳозлари, ахборот-коммуникация технологиялари воситалари билан таъминлангани таълим сифатининг юксалишида муҳим омили бўлмоқда. Бундан ташка-

ган ёш истеъдодларни аниқлаш, бу бетакрор мерос намуналаридан миллий санъат ихлосмандларини баҳраманд этиш имконини бермоқда. Унда олтимишга яқин ижодий жамоа қатнашапти.

Фестиваль доирасида мусиқий чолғулар кўргазмаси ҳам ташкил этилди. Ансамбль ва оркестрларнинг концерт дастурлари тадбир меҳмонларига зақ улашмоқда. Тадбир доирасида миллий чолғулар ижрочилиги ва дирижёрлик ишига бағишланган халқаро конференция, маҳорат дарслари ҳамда жамоалар иштирокида гала-концерт бўлиб ўтди.

Дилмурод СОДИҚОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Газдан оқиланиш фойдаланиш — фаровонлик гарови

Пойтахтимизда “Газдан хавфсиз фойдаланиш фаровонлик гаровидир” мавзусида семинар бўлиб ўтди. “Ўзтрансгаз” акциядорлик компанияси томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар, Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими вазирликлари, Ички ишлар вазирлиги Ёнгин хавфсизлиги бош бошқармаси масъул ходимлари, ҳудудий газ таъминоти корхоналари раҳбарлари, техника хавфсизлиги муҳандислари қатнашди.

СМИНАР

Маълумки, мамлакатимизда қишлоқ ва шаҳарларимизни газлаштириш ишлари жадал давом эттирилаётгани натижасига охириги беш йил мобайнида магистраль газ қувурларининг узунлиги 1,4 баробар, газ тарқатиш тармоқларининг узунлиги эса 3 марта ортиб, республикамизда ҳудудларини газлаштириш даражаси 90 фоизга етказилди.

Семинарда сўзга чиққанлар алоҳида таъкидлаганидек, истеъмолчиларга табиий газ етказиб бериш, транзит ва экспорт қилиш “Ўзтрансгаз” акциядорлик компаниясининг энг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, компания томонидан янги магистраль газ қувурлари объектлари ва газ тақсимлаш тармоқларини қуриш, мавжудларини модернизациялаш, қайта таъмирлаш ишлари кўлами йил сайин кенгайтирилмоқда. Бунинг самараси ўлароқ, ҳозирги кунда 20,5 миллиондан кўпроқ аҳоли

истиқомат қилаётган 3 миллион 605 минг 834 та уй-жой, 80 минг 912 та улгуржи истеъмолчига узлуқсиз равишда газ етказиб бериляпти. Шу билан бирга, газ тармоқларидан олисда жойлашган қишлоқлардаги 1 миллион 791 мингдан зиёд истеъмолчилар сулолтирилган газ билан таъминланаётир. Бунинг учун 330 мингга айланма газ баллонни ва уларга хизмат кўрсатувчи 206 та сервис маркази ҳамда 283 та махсус автотранспорт воситасидан унумли фойдаланилаётгани айни мuddао бўлмоқда.

Йиғилишда ёнгин хавфсизлигини таъминлаш, фавқулодда вазиятлар юз берганда амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар, жабрланувчиларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш ва бошқа долзарб масалалар бўйича маърузалар тингланиб, муҳокама қилинди, видеороликлар намойиш этилди.

Сидд РАҲМОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

СИФАТ, СУРЪАТ ВА ЯНГИЛАНИШ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Корхонамиз фаолият бошлаши билан 185 кишининг бандлиги таъминланди, — дейди масъулияти чекланган жамият таъсисчиларидан бири Икром Шомирзаев. — Маҳсулотимизнинг асосий қисмини экспортга чиқаришни мақсад қилганимиз сабабли, Япониядан энг сўнгги русумдаги 126 та тўқув дастгоҳи ҳамда мато ва либосларга расм босиш, нақш чиқиш ускуналарини келтириб ўрнатдик. Мазкур замонавий технологияларни самарали бошқаришни ўзлаштириш учун ишчи-мутахассисларимиз малакасини оширдик. Коллежни битирган йигит-қизларга “Устоз — шоғирд” аънасини асосида касб сирларни пухта ўргатилди. Ҳозир жамоамиз сайёҳаракати билан бир оменда бола-ларнинг 20 дан ортиқ



турдаги 6 минг донна кийим-кечаклари ишлаб чиқариляпти. Хорижда ҳам буюртмачиларимиз кўпайиб бораётганини ҳисобга олиб, кўшни мамлакатларда корхонамизнинг савдо уйлари-ни очиб қораларини кўра-япмиз.

Янгиликка интилиш, изланувчанлик ва ташаббускорлик муваффақиятга эришишнинг энг муҳим шартидир. Бунга амал қилган “Nargizateks” жамоаси жорий йилнинг биринчи чорагини 500 миллион сўмлик дастлабки маҳсулотлар туркумини ишлаб чиқариш билан якунла-

ди. Ҳозир бежирим дизайн ва юқори сифат уйғунлиги асосида тайёрланган аҳоли кийим-кечакларининг 80 шун кийим-кечакларнинг 80 физици чет элга сотиш кўзда тутилмоқда. Бундан ташқари, 2016 йил охирига қадар жамиятда мато тўқиш лойиҳаси ҳам нияҳюсига етказилиши белгиланган. Бу эса келгусида корхона маҳсулотлари таннархи арзонлашиб, экспорт жўрғуфяси янада кенгайишидан далолат беради.

Тождидин ҚАМАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



Шомурот ШАРАПОВ олган суратлар.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Таъкидланганидек, Ўзбекистонда қонунбузарликларга қарши курашиш соҳасида комплекс ишлар олиб бориляпти. Республикаимизда қонунийлик ҳамда жамиятнинг ҳуқуқий тартибга солиш, тинчлик ва осойишталикни таъминлашнинг самарали институционал ҳамда ташкилий-ҳуқуқий механизмлари яратилган. Бу борада ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга оид тизимли чора-тадбирлар муҳим ўрин тутмоқда. Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, мазкур йўналишга нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилиш тузилмалари, балки таълим муассасалари, фуқаролик жамияти институтлари, ўзини ўзи бошқариш органлари, оммавий ахборот воситалари жалб этиляпти. Зеро, умумий, мувофиқлаштирилган сайёҳаркатлар билангина самарали профилактика фаолиятига эришиш мумкин. Айни чоғда жамоат ташкилотлари давлат органлари билан биргаликда ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир дастурларни ҳаётга татбиқ қилишда қатнашмоқда, соҳага тегишли қонун ҳужжатлари ижроси устидан жамоатчилик назоратини амалга ошираётир, ҳуқуқ-тартиботни таъминлашда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига кўмаклашапти.

2014 йилда қабул қилинган “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Қонун фуқаролик жамияти институтларининг мазкур йўналишдаги фаолиятини кенгайтиришда муҳим омилига айланди. Боиси, унда аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш, миллатлараро, маданиятлараро ҳамда фуқаролараро ҳам-жихатлигини қучайтиришда давлат органлари ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигининг аниқ механизмлари белгилаб берилди.

Семинарда қайд этилганидек, Ўзбекистонда нақвирон авлодини маънавий ва жисмоний жиҳатдан етуқ шахс қилиб вояга етказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунда ёшларнинг ҳуқуқий билимини юксалтириш, уларни қонунлар ҳамда қонун устуворлигига ҳурмат руҳида тарбиялаш устувор аҳамият касб этаётир. “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва

Қонун устуворлигини таъминлаш — бош мезон

ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонун асосида мамлакатимизда қонунбузарликларнинг олдини олиш, бундай ҳолатларни келтириб чиқараётган сабаб ҳамда шaroитларни аниқлаш ва бартараф этиш, вояга етмаган ўғил-қизларда қонунга итоаткорлик туйғусини шакллантириш, уларнинг ҳуқуқ, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини рўйбга чиқариш бўйича кенг қамровли ишлар олиб бориляпти. Бинобарин, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида яратилган миллий тизим жаҳон миқёсида қонун устуворлигининг наватбдаги Индексини эълон қилган “The World Justice Project” мустақил халқаро ташкилотининг юқори баҳосига сазовор бўлди. Унга биноан, мамлакатимиз ҳуқуқ-тартибот ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича дунёда учинчи ўринни эгаллади. Давлатларга баҳо беришда “Тартиб ва хавфсизлик” йўналишига бош мезонлардан бири сифатида ёндашилди. Унинг доирасида халқаро экспертлар томонидан ушбу мамлакатлардаги ҳуқуқий муҳит, жами-

ят ҳамда давлатнинг ўзаро ҳамкорлиги хусусияти, мустақил ва холис судларнинг мавжудлиги, ҳуқуқ-тартибот органлари нечоғли самарали фаолият юритиши каби омилилар тадиқ қилинди. Нуфузли мутахассисларнинг фикрича, Ўзбекистондаги ҳуқуқ-тартибот ҳамда хавфсизлик мустақиллик йилларида изчил ва босқичма-босқич амалга оширилаётган, иж-

бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги ҳам жамиятда қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қилади, деб ҳисоблайман. Маълумки, ўтган йил парламент ва жамоатчилик назорати институтига конституциявий мақом берилди. Давлат ҳокимияти органлари тизимида, хусусан, қонунлар ҳамда давлат дастурлари ижроси устидан назоратни амалга оши-

тизимини ислоҳ қилиш, жамиятда қонунийликни таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси самарадорлигини қучайтириш бўйича амалий чора-тадбирларни ҳаётга жадал татбиқ этмоқда, — деди БМТнинг Наркотиклар ва жиноятчиликка қарши курашиш бошқармаси эксперти Драго Кос (Словения). — Юртингизда ҳуқуқбузарликлар профилактикасига ҳар томонлама ёндашилаётгани, бунда ҳуқуқ-тартибот идоралари қаторида, фуқаролик институтларининг муҳим иштироки таҳсинга сазовор. Илгари маҳаллий ҳокимият органларига тааллуқли қатор ваколатлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига берилгани алоҳида таъкидлаш керак. Бу эса аҳоли ҳуқуқларини ҳимоя қилишда фуқаролик жамияти салоҳиятини янада оширишга туртки бўлди. Қолаверса, мамлакатингизда нодавлат нотижорат ташкилотларининг изчил ва самарали фаолиятини қишида катта таассурот қолдиради. Табиийки, мазкур омили демократик давлат равнақида жуда муҳим саналади. Уларнинг сони доимий равишда ушиб бораётгани ҳам таҳсинга сазовор, албатта. Инсон ҳуқуқлари ҳимояси жабҳасида жамоатчилик бирлашмалари ишлаши катта аҳамиятга эга. Зотан, бундай ташкилотлар фуқаролар фаоллигини ошириш, уларни ижтимоий кенг ҳаётга жалб этишга хизмат қилади.

Семинар якунида бўлиб ўтган муҳокамалар чоғида соҳадаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқилди.

Фарида МАҲКАМОВА, «Халқ сўзи» мухбири.

XALQ BANKI

Мамлакатимиздаги энг йирик универсал банклардан бири бўлган Давлат-тижорат Халқ банкининг бошқа кредит ташкилотларидан фарқи шундаки, у тижорат фаолияти билан бирга, қатор ижтимоий вазифаларни ҳам амалга оширади. Молия муассасаси юртимизнинг инфратузилмалари орқали аҳолига кенг қамровли молия-банк хизматларини кўрсатиб келаётир.

Таъкидлаш жоизки, "Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, Халқ банки шахсий жамғарма ҳисобларининг алоҳида ҳисоботини олиб бориш ваколатига эгадир. Бу йўналишда банк барча амалиётларни бажариш билан бирга, жамғариб бориладиган пенсия тизими иштирокчилари бўлган фуқароларнинг ҳисобварақаларини юритиш ҳамда маблағларни шакллантириш, уларни банклараро бозорларда жойлаштириш йўли билан кўпайтириб боради.

Халқ банки филиаллари тармоқларини бирлаштирувчи, ҳимояланган ахборот алмашувини эга жамғариб бориладиган пенсия таъминотининг ягона электрон базаси яратилган бўлиб, мазкур автоматлаштирилган тизимга иштирокчилар ҳақидаги маълумотлар киритилган. Яна шуни ҳам айтиш керакки, жамғариб бориладиган пенсия таъминоти қатнашчиларининг ҳар бири учун махсус шахсий жамғарма ҳисоб рақами очилган. Қолаверса, уларга иш берувчилар орқали олинган жамғарма пенсия таъминоти китобчалари берилган. Тизимдаги шаффофликни таъминлаш мақсадида аҳолига банк филиалларидаги жамғармалар ҳамда пенсиялар хусусида аниқ ва батафсил маълумотлар тақдим этиб борилади.

2015 йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра,

жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга олинган корхона ва ташкилотлар сони 464,7 мингтани ва фуқароларга очилган ҳисобварақалар сони 8 806,7 мингтани ташкил этади.

Бугунги кунда Халқ банкининг 196 та туман (шаҳар) филиали, 32 та минибанки, 1300 дан ортиқ махсус кассалари орқали аҳолига, шунингдек, республикамиз ҳудудларидаги кредит муассасалари, корхона ҳамда ташкилотларга юқори сифатли банк хизмати кўрсатиб келинаётир.

Йил бошига нисбатан банкнинг жами активлари 75,6 млрд. сўмга ортиб, 3 062,6 млрд. сўмга етказилди. Қолаверса, жами жалб қилинган аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг банк депозитларидаги маблағлари ҳажми 7,0 млрд. сўмга кўпайиб, 2 427,7 млрд. сўмни ташкил қилди.

Шу ўринда Халқ банки фаолияти бир неча бор нуфузли халқаро рейтинг агентликлари томонидан юксак баҳоланганини ҳам алоҳида қайд этиш жоиз. Масалан, капиталлашув даражасининг изчил ўсиши банкнинг юқори кредит



ХАЛҚ БАНКИ:

Аҳоли манфаати доимий эътиборда

рейтингларга эришишига, унинг мавқеи ошишига ҳамда барча молиявий кўрсаткичлари яхшиланишига сабаб бўлмоқда.

Президентимизнинг 2015 йил 25 мартдаги "Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Халқ банкининг капиталлашув даражасини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан, 2015 — 2017 йиллар давомида 185,0 млрд. сўмлик кўшимча акциялар чиқариш орқали банкнинг Устав капитали оширилиши ҳам диққатга сазовордир.

Изчил фаолият самаралари

Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 26 ноябрдаги "2011 — 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида"ги қарори асосида белгиланган вазифалар ижроси изчил таъминланиши натижасида банкнинг кредитлаш имкониятлари янада кенгайиб, унинг инвестициявий фаолиги ошди.

Ҳаётга татбиқ этилган чора-тадбирлар натижасида банкнинг жами капиталы 395,4 млрд. сўмдан ошди, кредит портфелининг умумий миқдори эса жорий йил бошига нисбатан 37,0 млрд. сўмга ортиб, 1 651,6 млрд. сўмга етказилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантиришга ҳисса қўшиш Халқ банки кредит сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан биридир. Шу мақсадда жорий йилнинг дастлабки чорагида молия муассасаси фи-

лиаллари томонидан 218,7 млрд. сўм маблағ ажратилди. Бунинг 10,2 млрд. сўми оилавий тадбиркорликни молиялаштиришга, 47,9 млрд. сўми сервис соҳасига, 3,2 млрд. сўми эса касб-ҳунар коллежи битирувчиларига йўналтирилди.

Эътиборли жиҳати шундаки, ана шу кредитлар мамлакатимизда мулкдорлар сафининг кенгайишига хизмат қилиб, тадбиркорлар фаолияти ривожига муҳим омил бўлаётир.

— Ишбилармонликнинг жадал равишда топишида, албатта, молия муассасаларининг алоҳида ўрни бор, — дейди банкнинг Қорақўл тумани филиали мижози "Усмон Файз" МЧЖ раҳбари Худойберди Файзиев. — Ўз фаолиятим мисолида айтганим бўлсам, 10 йилдан буён Халқ банки билан ҳамкорлик қилиб келаман. Банк ходимлари кўрсатаётган юқори даражадаги хизмат ҳамда молиявий кўмак туфайли корхонамиз барқарор ривожланаётти. Биз нон ва нон маҳсулотлари, макарон ишлаб чиқариш билан шуғулланамиз. Фаолиятимиз самарадорлиги йилдан-йилга ортиб бора-япти. Масалан, ҳозир йилига 50 тоннадан ортиқ мака-

рон маҳсулотлари тайёрлаб, аҳолига етказиб бера-япмиз. Шунга яраша иш ўринларини ҳам кўпайтириб бормоқдамиз. Келгусида банк билан ҳамкорликда яна янги линияларни йўлга қўйишни режалаштирганмиз.

Маълумот сифатида келтириб ўтиш ўринлики, Халқ банки томонидан жорий йилнинг 3 ойи давомида жами ажратилган кредитлар ҳисобига 3 минг 400 дан ортиқ иш ўринлари яратилди.

Хотин-қизлар тадбиркорлиги кўллаб-қувватланмоқда

Бугунги аёл нафақат хонадонимизни меҳр-муҳаббат, нафосат, эъват, 19-хона билан мунаваар қиладиган зот, балки оиламизга фойда қўшади, ишбилармон ҳамдир. Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида хотин-қизларнинг оиладаги, давлат ва жамият ривожига ролини ошириш, хуқуқ ҳамда манфаатлари-

ни ҳимоя қилиш, ижтимоий-иқтисодий ҳамда маънавий жиҳатдан кўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётир. Бунда Президентимизнинг қатор фармон ва қарорлари муҳим асос бўлиб хизмат қилаяпти.

Бугунги кунда Халқ банки томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳам бу борада қабул қилинган ҳужжатлар ижросига қаратилган. Жумладан, тадбиркор аёлларни молиявий кўллаб-қувватлаш мақсадида жами 23,1 млрд. сўмлик кредитлар ажратилиб, бизнес лойиҳалари молиялаштирилди. Мазкур йўналишда кредитлар ажратилиши ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 138,3 фоизга ошириб бажарилди.

— Мустақиллик шарофати билан аёлларнинг тадбиркорлик билан шуғулланишлари кенг йўлга очилди, — дейди Халқ банкининг Балиқчи филиали мижози "Хизирбулоқ меваси агрофирма" МЧЖ раҳбари Лола Абдураҳмонова. — Мен ҳам мавжуд имкониятлардан фойдаланиб, ишбилармонликда ўз салоҳиятимни намойиш этишга интилаяман. Хусусан, сабзавот, картошка, полиз уруғлари ҳамда турли хил кўчатлар, насли моллар етказиб бериш мақсадида Халқ банкдан 78 миллион сўм кредит олган эдим. Ушбу маблағдан мақсадли фойдаланиб, кутганимдан ортиқ даромад кўрдим, ўнга яқин янги иш ўрни ташкил қилдим. Ҳозирги кунгача кредитни тўлиқ қайтариб бўлдим. Бу ҳали ҳаммаси эмас. Халқ банкдан фаолиятимни кенгайтириш мақсадида яна 1 350,0 млн. сўм миқдорида кредит расмийлаштирдим. Мазкур банк кўмаги-

дан фойдаланаётганим ва ҳамкорлик қилаётганимдан беҳад миннатдорман.

Банк омонатларига пул қўйишни кўзлаётган кишилар борки, зарур бўлганда шу пулни олиш ёки олол-маслиги ҳақида ҳам ўйлайди. Бу, табиий ҳолат. Шунини айтиш лозимки, бошқа молия муассасалари қатори Халқ банкида ҳам аҳоли омонатлари давлат томонидан кафолатланган. Айтиш туфайли аҳолининг банкка бўлган ишончи ортиб бораёпти. 2015 йилнинг ўтган даври мобайнида амалга оширилган ишлар натижасида Халқ банки томонидан жисмоний шахсларнинг депозитлари қолдиги жорий йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра, 1 753,3 млрд. сўмни ташкил этиб, йил бошига нисбатан 58,8 млрд. сўмга ёки 103,5 фоиз ўсгани ҳам бунинг тасдиғидир.

— Халқ банки ишончли банкдир, чунки мазкур муассасага қўйган омонатларим фоизларини ҳар доим ўз вақтида, нақд пулда оламан, — дейди Халқ банкининг Нарпай тумани филиали мижози Мавлуда Йўлдошева. — Бир неча йиллардан бери оила бюджетидан орттирган маблағларимни банкнинг мўддатли омонатларига қўйиб, фоизларидан фойдаланиб келмоқдаман. Ўзим нафақадан, банк ходимлари омонатларимнинг фоизларини ва асосий суммаларини вақтида бериб келмоқдалар. Уларнинг бу хизматларидан жуда ҳам мамнунман.

Бугунги кунда Халқ банкдаги жами депозитлар қолдиги 2 427,7 млрд. сўмга тенг. Шундан жисмоний шахсларнинг омонат қолдиги 1 753,3 млрд. сўм

бўлса, юридик шахсларнинг депозит қолдиги 674,3 млрд. сўмни ташкил қилади.

Халқ банки аҳолига кўрсатилаётган хизматлар турини мунтазам равишда кўпайтириб бормоқда. Янги омонат турлари татбиқ этилиши шулар жумласидандир. Масалан, 2015 йилда "Эзгу мақсад", "Тантана" каби жорий қилинган омонатларга аҳолининг 10 млрд. 400 млн. сўм миқдоридagi пул маблағлари жалб этилди.

Бозор муносабатлари ва банклараро рақобат шароитларида кредит-ҳисобот ва касса хизматларидан ташқари, хизматларни диверсификациялашга қаратилган бошқа хизматларнинг аҳамияти ҳам тобора ортиб бормоқда. Юқори технологиялар ёрдамида кўрсатилаётган банк хизматлари шулар сирасига кирилади.

Охириги йилларда пластик картчалар ёрдамида амалга оширилаётган хисоб-китобларнинг сони ва сифати сезиларли даражада ошди. 2015 йилнинг уч ойи давомида жами эмиссия қилинган пластик картчалар сони йил бошидагига нисбатан 214,5 миңг донага ортиб, 2 379,4 миңг донага ташкил этди.

Пластик картчалар орқали хисоб-китобларни амалга ошириш учун жойларда 22 864 та терминал, хусусан, банк муассасаларида коммунал ва бошқа тўловларни нақд пулсиз

- Мухтасар айтганда, Халқ банки хизмат кўрсатиш сифатини ҳар томонлама ошириб бориш ва ривожлантиришни ўзининг энг устувор мақсади деб билади.
- Банк матбуот хизмати.

Хизматлар лицензияланган.

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ

очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

«Capital realtor group» МЧЖ Фарғона филиалида 2015 йил 14 май куни соат 14.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар арзонлаштирилган нархларда тақдоран кўйилмоқда:

1. Фурқат тумани СИБ томонидан ФВХСнинг 2013 йил 16 декабрдаги 15-13-07/25223-сонли ва бошқа ижро варақаларига асосан хатланган, Фурқат тумани, «Гунча» ҚФЙ, Тинчлик қишлоғида жойлашган, қурилиш ости майдони 1393,64 кв.м., фойдаланиш майдони 1284,37 кв.м. бўлган, 0001-0003-литерлардаги бино-иншоотлар.

Бошланғич баҳоси — 136 491 982 сўм.

2. Риштон тумани СИБ томонидан ФВХСнинг 2012 йил 20 сентябрдаги 15-12-05/30400-сонли, 2013 йил 17 январдаги 15-13-03/38789-сонли ва 2013 йил 8 ноябрдаги 15-13-09/21125-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, Риштон тумани, «Оқ олтин» ҚФЙ, Янгиобод қишлоғида жойлашган, қурилиш ости майдони 462,66 кв.м., фойдаланиш майдони

760,16 кв.м. бўлган, 0001, 0001а-литерлардаги икки қаватли тракторчилар ётоқхонаси.

Бошланғич баҳоси — 231 229 589 сўм.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2015 йил 12 май куни соат 17.00 да тўхтайтилади. Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закат пулини савдо ташкилотчиси — «Capital realtor group» МЧЖнинг АТБ «Капиталбанк» Мирзо Улугбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

Манзил: Фарғона шаҳри, Бурҳониддин Марғинийнинг кўчаси, 35-уй, «Биржа маркази» биноси, 2-қават, 19-хона.
Телефонлар: (+99873) 244-42-24, (+99890) 231-38-59.

Хизматлар лицензияланган.

«КО'СНМАС МУЛК САВДО ХИЗМАТИ» МЧЖ

Бухоро вилояти филиали

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Бухоро шаҳар СИБ томонидан Бухоро вилояти Хўжалик судининг 2014 йил 12 декабрдаги 20-1405/12936-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Бухоро вилояти, Бухоро шаҳри, Пиридастгир кўчасида жойлашган, умумий майдони 72,0 кв.м., фойдаланиш ер майдони 144,0 кв.м., қурилиш майдони 72,0 кв.м.ни ташкил қилган (А литердаги майдони 72,0 кв.м., қурилиш майдони 72,0 кв.м., биринчи қаҳвахона биноси ҳамда Б литердаги фойдаланиш майдони 72,0 кв.м.) тўртта хонадан иборат икки қаватли бино-иншоот тақдоран кўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 250 000 000 сўм.

Аукцион савдоси 2015 йил 14 май куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00

гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишини охириги мuddати — 2015 йил 12 май куни соат 18.00.

Кўчмас мулк билан тегишли шаҳар суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Бухоро вилояти филиалининг ХАТБ «InFinBANK» Бухоро филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000804920609029, МФО: 01107, СТИР: 207122519.

Савдо ўтказиладиган манзил: Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй, Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Бухоро вилояти ҳудудий бошқармаси биноси, 4-қават.
Телефон: (0-365) 221-58-70. www.1kms.uz

Хизматлар лицензияланган.



Юртимизда айна кўктам палласи. Бу фусункор фаслда табиат ўзининг бор тароватини кўз-кўз эта бошлайди. Дала-даштни зумрад гилам қоплаб, унга лолаю қизгалдоқлар, чучмомаю момақаймоқлар ажиб тасвирлар битади. Дов-дарахтлар эса яшил либосга бурканиб, кўксига шода-шода гуллар тақади. Ахир баҳор уйғониш, яшариш ва янгилашиш мавсумидир.

Мусаффо осмонимиз узра қушларнинг ўйноқлаб училари, дилга хуш ёқувчи хонишлари ҳар қадамда кўктам нафасини эслатиб туради. Иссиқ ўлкалардан аллақачон

қайтиб келган паррандалар галаси тинч ва осойишта ўлкамизда ин қуриб, макон тирмоқдаки, бу юртимиз табиатини янада жилвалантираётир.

Айни шу кунларда кўёш ҳамал буржидан савр томон оғиб, шамсий йил тақвимиға кўра, савр ойи бошланди. Бу ой кирганини об-ҳаводан илғаб олсангиз бўлади. Негаки, унинг ҳавоси баъзан исиб ёзга тортса, ҳақида ҳарорат пастлаб, ёсингарчилик мўл бўлади. Шу боис халқимиз "Саврнинг саногиди қишининг ёгини бор", дейди.

Савр — деҳқону чорвадорларнинг иш даври. Бу пайт-

да куннинг узайиб бориши уларни далага, пайкал бошига чорлайди. Шу кунларда бошоқлаган галла майсалари сўнгги бор озиқлантирилса, гўза ниҳоллари парвариши авж олади.

Савр пишиқчилик мавсумининг бошланиши ойи ҳам ҳисобланади. Бу ойда эртани картошка, қарама, сабзи, шолғом, бодиринг тарозига тушади, тилос ранг олиб, тут ва кулпунай пишади. Бошқа экин-тикинлар эса барқ уриб ўсади. "Савр кирди — экинларга давр кирди" дейишларининг сабаби ҳам ана шунда.

НАЖОНИМ ТАБИАТ

Хоразмлик нурунийлар ёшларни алқаганда, "Гужумдек униб-ўсинлар", дея дуо қилишади. Бу беҳиз эмас, албатта. Чунки воҳода азал-азалдан ўсадиган гужум дарахти ўта чидамли бўлиб, юз йилдан ортиқ умр кўради.

— Гужум дарахти халқ селекцияси маҳсули эмас, у Аму соҳилларида азалдан табиий ҳолда ўсади, — дейди биология фанлари номзоди Авазяз Жуманиёзов. —

Дарахт ёғочи эса дурдгор ҳамда уймакор усталар томонидан алоҳида қадрланади. Сабаби, ўта пишиқ бўлиб, иссиқ ва совуқда ёрилмайди. Хозирги кунда

— Бунга, аввало, "шаҳар мўйловдори", деб аталуви зараркунандалар сабаб бўлди. Қолаверса, эътиборсизлик оқибатида мазкур тур йўқолиб кетиш хавфи

Мамлакатимизнинг Жиззах, Самарқанд ва Навоий вилоятлари ҳудудлари бўйлаб чўзилган Нурота тизма тоғларининг табиати, ўсимлик ва ҳайвонот олами ўзига хослиги билан ажралиб туради.

ЖАРАЁН

тарзи билан яқиндан танишиш учун кўриқхонанинг "Хаёт" участкасига қарийб ҳар кунни ўнлаб сайёҳлар, хатто хорижликлар ҳам ташриф буюришади.

Дарвоқе, "Нурота" давлат кўриқхонаси ҳудуди она-табиатимизнинг энг жозиба-

Мутахассисларнинг таъкидлашича, қайрағочлар оиласига мансуб ушбу наботот намунаси жой танламайди. Худди янтоққа ўшаб чўкур илди отиб, курғоқчил, шўрланган ерларда ҳам ўсаверади. Барглари тукчалар билан қоплангани боис кўёш иссиқлигини ўтказмайди. Хаводаги намликни сўриб олиши туфайли бўғлантириш хусусияти кам. Шу боис ихотазорлар барпо этишда, асосан, гужумдан фойдаланилади.

Дарҳақиқат, гужум қум кўчкиларининг олдини олиш, шамол йўлини тўсиш, тупроқни эрозиядан асрашдан ташқари, иқлимни мўтадил сақлашда кўп келади. Айниқса, ёзининг жазирасида қуюқ соя бериб,

офтобнинг тангадек нуруни ҳам ўтказмайди. Шунинг учун бўлса керак, вилоятда гужум ўстирилмаган ҳовлини топиш қийин.

Шарға ўхшаш кўркам қиёфа қасб этиб ўсувчи ушбу соябоп дарахт "биокондиционер"нинг ўзгиниси. Негаки, у карбонат ангидрид газини ютиб, кўп миқдорда кислотдор ишлаб чиқаради, ноорганик чанглари тутиб, ҳавони тозалайди. Бу — ҳар қандай иссиқ, хусусан, воҳанинг ҳоскин континентал иқлим шароитида ҳам инсоннинг хордиқ чиқариши учун қулай шароит яратаяди, деганидир.

ча 9 миллион 600 минг туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказиш режалаштирилган бўлса, шунинг 1 миллион тулини гужум ташкил этади.

Эътиборлиси, воҳа иқлимига мос бўлган соябоп ва ёғочбоп бу дарахт ниҳолларини топиш қийин эмас. Шовот туманидаги "Анор" фермер хўжалигида унинг кўчатини кўпайтириш йўлга қўйилган. Бу ерда айни пайтда 1 миллион туп гужум кўчати захираси яратилган бўлиб, улар аҳоли ва ташкилотларга етказиб берилмоқда.

Зеро, гужум дарахти Хоразмнинг қўҳна ва навқирон обидалари сингари ўта қадимий ҳамда мафтуркордир. Унинг кўпайтирилиши биологик хилмаҳилликни сақлаш, экологик барқарорликни таъминлашнинг муҳим омилларидан бири саналади.

Нурота тизма тоғларининг маликаси

Фан оламида "Қизилқум кўйи" деб аталадиган олқорлар фақат ушбу манзиллардагина учраши бунга бир мисол. "Нурота" давлат кўриқхонаси фаолиятининг асосий йўналиши ҳам шу каби ноёб ҳайвонлар, паррандаю даррандалар, ўсимлик дунёсининг кам учрайдиган турларини сақлаб қолиш, уларни келажак авлодларга безавол етказишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

— Кўриқхонамизнинг умумий майдони қарийб 18 минг гектарга тенг бўлиб, табиати ниҳоятда ранг-баранг, — дейди унинг директори вазиқасини бажарувчи Тохир Матлабов. — Айтилик, ўсимликларнинг 78 оилага мансуб, 800 дан ортиқ тури ўсса, шундан 24 таси фақат Нурота тизма тоғларида учрайди, холос. Анзур пиёзи ва ширачининг 3, лола ва астаргаланиннг 5 тадан тури шулар жумласидандир.

Кўриқхонанинг ҳайвонот олами ҳам хилма-хил. Бу ерда ушбу соладиган қушларнинг 10 тури, учиб ўтувчи қушларнинг 8, сут эмизувчиларнинг эса 4 тури Ўзбекистон Республикаси "Қизил китоб"ига киритилган. Улар ичида, айниқса, олқорлар ўта ноёб ҳисобланади.

Сўнгги маълумотларга қараганда, кўриқхона ҳудудида бу жониворларнинг 1500-1600 боши ҳисобга олинган. Бу ерда уларни кўпайтириш учун махсус парваришхона ташкил этилган. Дастлаб унинг майдони 4 гектар бўлган бўлса, бугунги кунга келиб, 14 гектарга етказилди. Атрофи сим тўр билан ўраб олинган ушбу ҳудудда 11 бош олқор назорат остида боқилапти. Ўртача тирик вазни 70 килограммгача етадиган бу ноёб кўйларни кўриш, ҳаёт



Денгизкўл — Олот тумани марказидан 35 километр жанубда, Зарафшон дарёси ўзининг кўйи қисмида жойлашган йирик сув ҳавзаси. Чўл бағридаги ушбу кўлнинг табиати ўзига хос бўлиб, саксовул, черкез, юлғун, шувоқ, янтоқ, ялтирбош, нўхатак, қуштили каби наботот намуналари кенг тарқалган. Турангил, ёввойи терак, тол, жийда, қамиш, қўғалар эса қуюқ чакалаларнинг ҳосил қилган. Бу жойда тўнғиз, шоқол, тулки, тўқай мушуги, эчкиэмар, ўқилон, қум бўғма илони, тошбақа сингари жониворлар ҳам учрайди. Ихтиофаунаси эса, асосан, Амударё ва Зарафшон дарёларида учрайдиган балик турлари ҳисобидан шаклланган.



Ноёб қушлар ошёни

Мазкур кўл сув ва суволди қушлари ҳаётида, айниқса, муҳим аҳамиятга эга. Денгизкўл пайдо бўлганидан буён унинг ҳудуди турли-туман учиб ўтувчи қушларнинг кўпайиши, озиқланиши ва қишлаши учун қулай маскан вазиқасини ўтапти. Бу ерда Халқор ва Ўзбекистон "Қизил китоб"ига киритилган ноёб қушларнинг ўндан ортиқ тури мавжуд. Улар кўл бўйларига бежавотир полапон очиб, учирма қилишмоқда. Айниқса, кичик қоравой, кичик оқ қўтон, қошиқбурун, вишилдоқ оқуш, мармар ўрдак, олақанот ўрдак, Зарафшон қирғовули, йўргатувалок каби қушлар учун Денгизкўл қадрдон маскан саналади.

Кўп йиллик тадқиқотларимизнинг кўрсатишича, камсонли қушлардан оқбош ўрдакнинг дунё популяциясидаги 20-23 фоизи Денгизкўлда қишлаб қолса, республикамиз ҳудудида учрайдиган қушларнинг қирқ фоиздан ортиқроғи унинг бағридан қўним топган. Баҳорги ва кўзги учиб ўтиш даврида сув ҳавзасида пушти бирқозон, жинглаки бирқозон, кичик оқ қарға, мармар ўрдак, қора бошли балқичи каби камсонли, ноидир қушлар борлиги кузатилади. Айнан шулар ҳисобга олиниб, республикамизда "Денгизкўл" орнитологик давлат бюрот-махонаси ташкил этилган. Унинг фаолият кўрсатиши муддатсиз қилиб белгилан-

Бир ўлкаки, тупроғида...

Бу ноёб ўсимликнинг асл ватани Мексика бўлиб, у бундан 30 йил муқаддам Самарқанд давлат университетининг оранжереясида экилган эди. Аммо унинг юртимиз иқлимига мослашиши осон кечмади. Мутахассисларнинг кўп йиллик изланишлари, алоҳида парвариши туфайлигина агава заминимизда туп отиб, палак ёзди. Бугун унинг барқ уриб очилган тўп-тўп гулларини кўрган кишининг дили қувнайд.

Ойнаванд хона ичида дунёнинг турли жойларидан келтирилган бу каби наботот намуналари ниҳоятда кўп. Масалан, ёпиқ шароитда ўстириладиган манзарали, тропик ва субтропик ўсимликларнинг 250 дан ортиқ турлари парваришланмоқда. Бу эса узлуқсиз ва қўшимча таълим жараёни, айниқса, олимлар, изланувчилар ҳамда талабалар томонидан илмий тадқиқот ишларини амалга оширишда биологик ва экологик захира бўлиб хизмат қилаяпти.

2011 йилда ушбу мўъжазига маскан БМТ Тараққиёт дастури ҳамда АҚШ, Германия ва Швейцариянинг Ўзбекистондаги элчихоналари молиявий қўмағи асосида тўлиқ қайта таъмирланди. Натижанда у шаҳар аҳолиси ва меҳмонларининг



изланиш энг сеvimли жойларидан бири бўлиб қолди.

Дарҳақиқат, ўқув ва оммабоп оранжерея йил бўйи кўнлаб тингловлардан ташқари, меҳмонлар, айниқса, хорижий сайёҳлар билан гавжум бўлади. Уларда минтақа иқлимига хос бўлмаган ўсимликлар ўстирилаётгани ҳавас ва хайрат ҳиссини уйғотмоқда. Лавр, қаҳва ва қовун дарахтлари, пальма, банан, япон мушмуласи ва кактуслар шулар жумласидандир.

Айни пайтда интродукция (иқлимга мослаштиришнинг дастлабки босқичи) шароитида манзарали ўсимлик турларини кўпайтириш, шу

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

«ҚИЗИЛ КИТОБ» САҲИФАЛАРИДАН

Ўзбекистон табиати нафақат учиб ўтувчи, айни пайтда доимий яшовчи қушларга ниҳоятда бойли-

Бизғалдоқ

ги билан ажралиб туради. Улар орасида ноёб турларнинг кўпчилиги, айниқса, эътиборга молик. Бизғалдоқ — шулардан бири.

Одатда, бу қуш мамлакатимиз жанубий қисмидаги тоғларда қишлаб, март — апрель ойларида тоғ этаклари, бутазорли текисликларнинг чўллашган ва

яримчўллашган ҳудудлари, сув ҳавзалари қирғоқларида учиб ўтади. Унинг кўпайиш даври апрель — май

Нинашлар атиги 24 соат яшайди.
Туяқушнинг кўзи унинг миясидан катта.
Туянинг суги шивмайди.
Мушуклар юздан ортиқ, итлар эса атиги 10 та вокал товушини чиқарар экан.
Туяларнинг кўз қовоғи уч қават бўлиб, бу

қум бўронларидан яхши ҳимоя воситаси ҳисобланади.
Дельфин бир кўзини очиб ухлайди.
Сигирлар мушқа садолари остида соғилганда, нисбатан кўп сут беради.

Жирафа сувсизликка туядан кўра чидамлироқ экан.

ресурсларни муҳофаза қилиш халқор иттифоқи рўйхатиға киритилган бўлиб, овлаш тақиқланган.

Юртимизда ҳам бу турни сақлаб қолиш, табиий кўпайишиға қулай шароит яратиб бериш бўйича ишлар изчил амалга оширилмоқда. У Ўзбекистон Республикаси "Қизил китоб"ига киритилиб, муҳофаза остиға олинган. Бу каби саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бераётгани қувонарлидир. Қушларнинг сони ўтган асрнинг 60 — 70-йилларида кескин қамайиб кетган бўлса, бугунги кунга келиб, барқарорлашиб бораёпти. Хозирги кунда бизғалдоқларнинг бир неча мингтаги юртимизда қишлаб, эмин-эркин кўпаймоқда.

Бугулар банани жуда яхши кўради.
Йўлбарсларнинг нафақат юнги, балки териси ҳам йўл-йўл.
Ақула — шккала кўзини юма оладиган ягона денгиз жонивори.

Кичик тажриба майдони

Гузур туманидаги Афғонбоғ қишлоғида яшовчи тажрибали бобгон Мадамини Хушвақтов ўзининг мўъжазгина иссиқхонада мандарин ва киви етиштиради.

Эндиликда бу ерда банан ҳам бўй чўзмақда. Мандарин эса шу йилдан ҳосил бера бошлайди. Бу ўсимликларни маҳаллий иқлимга мослаштириш ишлари илмий асосларда олиб боришмоқда.

— Киви сувсизликка чидамсиз, — дейди М. Хушвақтов. — Уни ўз вақтида сугориб туриш лозим. Шу боис бу ўсимликни маҳаллий шароитга мослаштириш бир оз қийин кечаяпти. Иссиқхонада, шунингдек, Арабистон хурмоси ва дафна ўсимлигини парваришлялмиш. Шунингдек, тоғ лоласини ҳам айни пайтда синовдан ўтказмоқдамиз. Қисқаси, иштиёқ бўлса, имконсиз ишининг ўзи йўқ.

Аҳад МУҲАММАДИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ўқинг, қизиқ!

МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Қ. Хидиров.
Навбатчи — Д. Содиқов.
Мусахҳиҳ — С. Исмолов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.40 Топширилди — 22.00 1 2 3 4 5

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 467. 120 785 нусхалда босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Телефонлар:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Ўёлонлар 232-11-15.

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарибмайди.
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.
Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

ISSN 2010-6788